Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 28 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 99 (6796)

Даъват

Ҳар қандай газета турфа хил фикрлар, кўз қарашлари, қиёслар, таҳлиллар, аччиқ, аммо холис танқидлар ифодачиси булгандагина ўзининг номи ва мақсадини оқлай олади.

Чингиз АЙТМАТОВ.

Ибрат

Узбекистонда «Ҳуррият» номли янги мустақил газета чиқа бошлади. Газетанинг муассиси Узбекистон оммавий воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳисобланади. Унинг бош муҳаррири эса «Маърифат»да ишлаб кетган таниқли журналист Карим Баҳриевдир.

ЭРТАНГИ ЁРУҒ КУНЛАР ЗАМИНИ

ТОШКЕНТДА 26-27 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан бориб Мустақилликнинг бешинчи йили — 1996 йилни катта муваффақиятлар билан якунламоқда. Саноат ишлаб чиқариши 1990 йил даражасидан ўтиб, жадал юксалиб бораётир. Эл-юрт манфаатларига хизмат қиладиган саноатнинг қатор тармоқлари юзага келди. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маориф ва маданият соҳаларида ҳам ислоҳотлар амалга оширилиб, ютуқлар қўлами кенгайиб бораяпти. Узбекистоннинг халқаро миқёсдаги обру-эътибори ортиб, чет мамлакатлар билан иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланаётир.

Шу йил 26 декабрь куни Тошкентда ўз ишини бошлаган Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ана шу эришилган натижалар таҳлил этилиб, келгуси йилнинг — Инсон манфаатлари йилининг вазифалари, ислоҳотлар ва турмуш тарзимизнинг таянчи бўлган бир қатор Қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Бош мақсад аниқ — эртанги ёруғ кунларга замин яратиш!

Сессия ишида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Эркин ХАЛИЛОВ бошқариб борди.

Депутатлар кун тартибидаги асосий масалалардан бири — Узбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети лойиҳасини ғоят ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Лойиҳа тўғрисида Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов маърузасида, музокарада сўзга чиққан депутатлар нутқида мамлакат тараққиётининг навбатдаги йилдаги устивор йўналишларига эътибор қаратилди.

Узбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (маърузачи ташқи ишлар вазири А. Комилов) юзасидан кенг фикр алмашилди. Музокаралар ниҳоясида Президент Ислом Каримов сўз олиб, қонуннинг давлатимиз ҳаётидаги ўрни хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Мамлакатнинг равнақ топиши учун унинг атрофида ҳам тинчлик булиши, ҳар хил ташқи ёвуз кучлар тараққиёт йўлига тусиқ қўймаслиги керак, деб таъкидлади юртбошимиз.

Сессияда Сиёсий партиялар тўғрисида Узбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси, Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги, Журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари, шунингдек Омбудсмен тўғрисидаги Қонун, Давлат хизмати тўғрисидаги Қонун, Нотариат тўғрисидаги Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Республика парламентида муҳокама этилган барча масалалар ўз тақдирини қулига олган, порлоқ келажагини яқдиллик билан бунёд этаётган халқимизнинг фаровонлигини, тинч-осойишталигини, манфаатларини кўзда тутгандир. Шу боисдан ҳам, депутатлар қайд этгандек, Олий Мажлис сессияси эртанги ёруғ кунларга замин яратди.

***

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 27 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Парламент ишида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Илгари хабар қилинганидек, 1997 йилги давлат бюджети лойиҳасини парламент қўмиталарида, фракцияларда ва блокда муҳокама қилиш чоғида, сессиянинг биринчи иш кунида депутатлар бир қанча мулоҳазалар ва таклифларни айтган эдилар. Уларни ўрганиш ва бюджетда ҳисобга олиш учун сессияда депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Парламентнинг иккинчи иш куни ишчи гуруҳи раҳбари — Олий Мажлис бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадовнинг депутатлар таклифларини кўриб чиқиш якунлари тўғрисидаги ахбороти билан бошланди. Олий Мажлис ишчи гуруҳининг бюджет лойиҳасини пухталаштиришга доир протоколини тасдиқлади ва Узбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент қўмитасининг раиси А. Аҳадов биринчи ўқишда киритилаётган Узбекистон Республикасининг солиқ кодекси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Лойиҳани муҳокама қилишда Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов, Тўрткўл туманидаги «Шурахон» ширкатлар уюшмасининг раиси А. Абдукаримов, Гурлан туманидаги «Намуна» жамоат-кооператив хўжалик раиси Т. Ортиқов, Узбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов иштирок этди.

Кодекс лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б. Наимов Узбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. «Шуртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи А. Абдуназаров, Янгиободдаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Г. Сидаков, Қўқондаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ҳакимов, «Узбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Бухоро булимининг бошлиғи С. Турдиқулов, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Ғуломмаҳмудов сўзга чиққанидан сўнг кодекс биринчи ўқишда қабул қилинди. Бу кодекс лойиҳаси ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдиновнинг адвокатура тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусидаги маърузаси юзасидан «Андижон» вилоят агрофирмасининг бош директори И. Ваҳобов, Қўқон шаҳри ҳокими Х. Мовлонқулов, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи А. Болтаев сўзга чиқди. Уларнинг нутқлари ва депутатлар саволларига жавоблардан сўнг Олий Мажлис қонунни қабул қилди.

Парламент қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг раиси Х. Тошев маърузасини ҳамда Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, Наманган уйсозлик комбинати директори А. Икромов нутқларини тинглагач, давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Парламентнинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси Ш. Жураев атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Наманган шаҳар тез ёрдам касалхонаси булим мудири М. Аҳадов, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Иванов, «Чаганиён» акционерлик жамияти бошқаруви раиси К. Сапиев, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин иштирок этди. Лойиҳанинг бир қанча муҳим жиҳатлари хусусида фикрлашиб олингандан сўнг депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Лойиҳа хусусида ургут тумани ҳокими У. Маҳматмуродов, «Семург» трикотаж акционерлик жамиятининг раиси Ш. Зайнобутдинов, Олтиариқ тумани ҳокими А. Муҳитдинов, «Камолот» Сурхондарё вилоят жамғармаси бошқаруви раиси Ж. Қурбонов сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Узбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий, меҳнат ҳамда жиноий ишлар буйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилди, Узбекистон Республикасининг бир қанча халқаро конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди.

Парламент «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» Фахрий унвонни таъсис этди ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилади. Бу кун ҳар йили 1 октябрда нишонланади ва байрам куни булади. Шу масалалар юзасидан Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов маъруза қилди.

Сессия котибиятининг раҳбари, Урганч давлат университетининг ректори А. Саъдуллаев депутатларга Олий Мажлис номига келган мурожаатлар тўғрисида ахборот берди.

Олий Мажлис Олий суд раиси У. Мингбоевнинг тақдимига биноан К. Саидов, М. Ҳошимов ва Н. Шумаринни Олий суд судялари этиб сайлади.

Депутатлар парламент ваколатига кирувчи бир қанча бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.

Тошкент шаҳридаги 22-мактабда ўтказилган «Алифбе байрами» катта тантанага айланди. Сабаби бу даргоҳда 9 та 1-синф ўғил-қизлари ўз ҳаётларида илк бор лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини тўлиқ ўзлаштирдилар. Шу боис ўқувчилар саҳнада ўзларига таниш бўлган ҳарф ва сўзларни намойиш қилишди, шунингдек, улар шеър айтиш, рақсга тушиш, асарлардан парча ижро этиш борасидаги маҳорат ва иқтидорларини намоён этдилар.

Байрамга жажжиларнинг ота-оналари, бобо ва бувилари, ака-укалари ҳам ташриф буюришди. Тантанада уруш қатнашчиси, 17 неваранинг бобоси Маҳмуд ота Саидов невараси Нигорани биринчи китобни ўқиб тугаллагани билан табриклади.

Суратларда: биринчи синф ўғил-қизларининг «Алифбе байрами»дан лавҳалар акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Назария ва амалиёт бирлиги

ДИРЕКТОРЛАР РЕФЕРАТ ЁЗИШДИ

Ҳа, директорлар реферат ёзишди.

Нима учун? Шартмиди?

«Шарт» деб ҳисоблайди кўпчилик.

Биз ҳам шундай фикрдамиз. Реферат — ижодий иш, таҳлил. Қолаверса, назария ва амалиётнинг бирлиги.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтига ноябр ойида чақирилган ўрта мактаб директорларининг синов учун ёзган рефератларини варақладик. Қани, уларда қандай фикрлар бор экан?

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 24-ўрта мактаб директори Нормурод Фозиловнинг курс иши учун танлаган мавзуси чакки эмас: «Мактабдаги таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришда тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифалари». Илмий раҳбар У. Маҳкамов. Реферат учун 5 банддан иборат режа тузилган. Иш жами 22 саҳифадан иборат.

«Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўзига хос хусусиятлари билан ўқув машғулотларидан фарқ қилади. Бу иш ихтиёрий ташкил қилинади. Албатта, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этишда болаларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки кичик ёшдаги болалар ўйинга купроқ қизиқадилар. Ўрта ёшдаги болалар эса меҳнатга ва ижтимоий фойдали ишларга ўч бўлишади. Бу ёшдаги болаларнинг қизиқиши ниҳоятда беқарор бўлиб, улар гоҳ у ишга, гоҳ бунисига уннаб кетаверадилар», деб фикрлайди Нормурод Фозилов.

Реферат муллифининг ишга ёндашувини дуруст деб ҳисоблаш мумкин. У ўз курс ишида тарбиявий ишлар ташкилотчисининг қиёфасига хос хислатларни санаб ўтади. Тарбия жараёни мураккаб ва чигал. Ташкилотчи ана шу қийинчиликка жонини қурбон қилиши керак. Рефератнинг 20-саҳифасида эса тингловчи ўзи ишлайдиган мактаб ҳаётига назар солади. Унинг таъкидлашича, мактабда

(Давоми 2-бетда).

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ — ТошДУ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

Самимият — кўнгил эҳтиёжи билан туғилади. Куни кеча мамлакатимизга ташриф буюрган Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан Узбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасидаги икки давлат алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусидаги яккама-якка суҳбатлар нафақат давлат бошлиқларининг, балки ҳар иккала давлат халқларининг ички эҳтиёжи эди.

Учрашув жараёнида мамлакатимиз раҳбари икки давлат ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтар экан, даставвал, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, айниқса, автомобилсозлик соҳасида ҳамкорлик қилиниши ҳар икки давлат манфаатларига хизмат қилажагини таъкидлади. Ўз навбатида Президент Асқар Акаев ҳам мамлакатлараро дўстона муносабатни ривожлантиришнинг фойдалари ҳақида тўхталиб, ўз мамлакати ҳамиша Узбекистоннинг энг яқин ҳамкори бўлиб қолишини таъкидлаб ўтди.

Музокаралардан сўнг давлатлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки давлат ўртасидаги бардавом дўстлик ҳақидаги ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномалар ҳамда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш ҳақидаги протоколга имзо чекдилар.

Шунингдек, Узбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳақуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, валютани ва экспортни мувофиқлаштириш соҳасида ахборот алмашиш, фойда ва даромаддан икки ёқлама солиқ олмаслик ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш каби жами 20 га яқин ҳужжат имзоланди.

Шу куни Президент Асқар Акаев юртбошимиз ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга қадам ранжида этиб, буюк миллатимизнинг тимсоли Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев диёримизга сафарининг расмий қисми якунлангач, Узбекистон Бош вазири Уткир Султонов билан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига ташриф буюрди ва ТошДУ Маданият саройида университет профессорлари, ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Учрашувда табиий фанларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда давлатларимиз ўртасидаги фан ва маданият соҳасида ҳамкорликни равнақ топтиришдаги хизматлари учун Қирғизистон Президенти Асқар Акаевга ТошДУнинг фахрий доктори унвони топширилди.

Шунингдек, Қирғизистон Президенти Бухорода бўлиб, бу қадимий шаҳарнинг обидалари ва янги қурилишлари билан танишди. Асқар Акаев шу куни Бухородан ўз ватанига жўнаб кетди. Меҳмонни Бухоро аэропортида Узбекистон Бош вазири Уткир Султонов ва Бухоро вилоят ҳокими Самойдин Ҳусеновлар кузатиб қолдилар.

«Мовароуннаҳр Парижи»нинг ёши нечада?
3-БЕТ
Фитратнинг «Фарҳод-у Ширин» мақоласи (охири).
4-БЕТ

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● **24 декабрь куни Тошкентда Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Қирғизистон Президенти Асқар Акаев иштирок этдилар.**

● **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорликда ўтказган «Ўзбекистон ° Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» кўрик-танлови ғолибларининг таниқли адиблар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

● **Москвада Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг мухолифчилар етакчиси Саид Абдулло Нурий билан бўлган учрашуви муайян келишувлар билан якунланди. Тожикистондаги вазиятни яхшилаш мақсадида ташкил этиладиган Миллий яраш комиссиясига мухолифат вакили бошчилик қиладиган бўлди. Ўзаро келишувга биноан келгусида ҳукумат таркибига мухолифат вакиллари ҳам киритилиши кўзда тутилди. Тожикистондаги айрим кучлар ва парламент раҳбарлари бу келишувни мамлакатнинг амалдаги Асосий Қонунига зид деб ҳисобламоқдалар.**

● **Афғонистоннинг ағдариб ташланган Президенти Б. Раббонийни Эрон қўллаб-қувватламоқда. Афғонистон шимолида Б. Раббонийнинг Эрон ташқи ишлар вазири муовини билан учрашувида шу нарса маълум қилинди. Музокаралар чоғида Афғонистондаги вазиятни ҳал қилиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳокимиятдан маҳрум қилинганига қарамасдан Б. Раббонийни Эрон Афғонистоннинг қонуний Президенти сифатида тан олмоқда.**

МММ — ХАБАРЛАРИ

ФАЙЗЛИ ТАДБИР

Қўқон шаҳридаги 3-ўрта мактабда «Маънавият ва истиқлол нури» мавзусида адабий кеча ўтказилди. Кечани мактаб директори С. Эргашев кириш сўзи билан очди. Қўқон педагогика олийгоҳидан таклиф қилинган фалсафа фанлари номзоди Н. Назаров ўқувчиларга «Маънавият ва истиқлол ҳақида» маъруза қилди. Айниқса, шоирлар М. Валижонов, С. Жабборов, бастакор Р. Аҳмедовларнинг кечада иштирок этиши тадбирга янада файз киритди.

ЗУККОЛАР БЕЛЛАШДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти бошланғич таълим услубиёти қуллиётининг катта ўқитувчилари Т. Аъзамов ва Х. Ғуломовлар ташаббуси билан университетнинг 1-курс талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди. Мусобақада талабаларнинг «Ниҳол» ҳамда «Садаф» гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Мазкур танловда халқ таълимидаги муаммоли масалалар, долзарб мавзулар талабалар томонидан санъатнинг турли шаклларида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Айниқса, «Садаф» гуруҳи қатнашчиларининг дилрабо куй-қўшиқлари, жозибали саҳна кўринишлари залдагилар олқишига сазовор бўлиб, танловда ғолибликни қўлга киритишди.

OGOH BO'LING! YANGI YIL

Yaqinda Buxoro viloyati qo'g'irchoq teatrida bolalar uchun «Yangi yil sarguzashtlari» nomli spektakl premerasi bo'lib o'tdi. Bu spektakl yaqinlashib kelayotgan yangi yildan ogoh etish barobarida, Qorbobo, Qorqiz kabi bolalarning sevimli qahramonlari bilan birga bo'lishi ularga katta quvonch baxshida etdi.

ЎТМИШ КЎЗГУСИ

Яқинда Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номидаги мактабда шинамгина музей барпо этилган эди. Музей қисқа фурсат ичида ўқувчилар томонидан чиройли дид билан безатилиб, сеҳрли кошонага айлантирилди. Бугун музейга назар солсангиз, қадимий буюмлар, ҳар хил суратлар, ҳайкалчалар ва мамлакатимиз тарихига оид китоблар кўз олдингизда бой ўтмишимизни гавдалантиради.

Муаллифлар: М. КАРИМОВА, С, МАМАТОВА, F. JUMAYEVA, Ф. ЭШҚУЛОВ.

Мактаб кутубхонасига

ҚУЛАЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўқувчи ва талабаларга ҳуқуқий билимлар бериш борасида бирмунча ишлар қилинаётган бўлса-да, сўнгги пайтларда айрим вилоятларда болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноят кўпаймоқда. Уларнинг деярли барчаси бу қилмишларини онгсиз равишда, оқибатини ўйламасдан қилишади. Демакки, уларнинг аввало ўз ҳуқуқларини ва бурчларини билмаслиги натижасида бу каби нохуш ҳоллар юз беради.

Ҳозирда таълим-тарбия масканларида ўтилаётган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани мазкур масалада ижобий натижаларга эришишимизда асосий восита бўлмоғи керак. Чунки ўқувчи онгига ўз Ватани олдидаги масъулиятли, жамият тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиш, қолаверса, уни ҳимоя этишга тайёр туриш каби қуникмаларни сингдириш чинакам давлат фуқароларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда мазкур фан муаллимлари учун қўл келадиган, яқиндагина «Ўқитувчи» нашриёти томонидан юридик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхўжаев масъул муҳаррирлигида нашр этилган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» изоҳли луғати ҳақида тўхталмоқчиман.

Аввало, бу луғат олдингиларидан нимаси билан фарқланади? Унинг ўзига хослиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мазкур фан бўйича тайёрланган дастур асосида тузилганлигидадир. Бу ихчамгина кўринган изоҳли луғатни тузиш учун нашр масъуллари катта-катта манбаларни ўрганишган, саралашган, умуман олганда кўп меҳнат қилишган.

Ўз ичига 200 га яқин ҳуқуқий — юридик атамаларни олган бу изоҳли луғатда баён соддалиги ҳамда атамалар реал мисоллар билан янада аниқроқ изоҳланганлиги ўқувчи ёки талабанинг уларни қийналмасдан ўзлаштиришига имкон беради. Ҳуқуқшунослик фанлари билан илк бор қизиқувчилар ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган ушбу изоҳли луғат уларнинг нафақат бу соҳадаги билимларини, балки ҳуқуқий онг ва маданиятларини оширишга хизмат қилади.

Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Шу купларда Ангрен шаҳар халқ таълими бўлимининг услубиёт хонаси методистлари ўрта мактаб илмий бўлим мудирларининг ўқув кунини ўтказмоқда. Услубиёт хонаси мудираси Людмила Андреевна Альбрант таълим-тарбияни ташкил этишнинг самарали усулларини оммалаштирмоқда. Бугунги кунда унинг энг асосий вазифаларидан бири навбатдаги фан олимпиадаларига қизғин тайёргарлик кўриш.

СУРАТДА: Людмила Альбрант мактаб илмий бўлим мудирларига навбатдаги вазифаларни тушунтираётган они акс эттирилган.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Семинар таассуротлари

НАТИЖА ИЖРОДА КЎРИНАДИ

Республика Таълим марказида туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудирларининг уч кунлик семинари ниҳоясига етди. Таълим тизимига янгича педагогик технологияни жорий этиш юзасидан чақирилган бу семинар якунига доир ялпи мажлис бўлди.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ялпи мажлисни очиқ деб эълон қилар экан, жумладан, шундай деди:

— Янги педагогик технологияни жорий этиш давр талабига айланди. Ватанимизнинг мустақиллиққа эришуви педагогика илми ва амалиёти олдидаги бош мақсадини тамомила ўзгартириб юборди. Эндиги ҳаракат ана шу мақсадинг янгича қирраларини кашф этишдан иборатдир. Семинарни ўтказишдан муддаомиз нима эди? Албатта, вазирликнинг олдига қўйган вазифа аниқ: янгича педагогик технология ҳақида тушунчага эга бўла туриб, бунга киришмаяпсизми ёки бошқа тўсиқлар мавжудми? Умуман, «янгича педагогик технология» бирикмасини қандай изоҳлайсиз?

Халқ таълими вазири янгича педагогик технология ҳақида тушунча бериб, айни кунда айрим педагогларимиз, директорлар, халқ таълими бўлими мудирларининг ҳамон эскича ишлаётганларидан куйиниб гапирди.

Бу барча мудирлар учун, албатта, бир синов эди. Тест саволларига қайтарилган жавобларда, вазирнинг таъкидлашича, уларнинг давлат тузилиши, маънавий-маърифий ишларда мактабнинг иштироки тушунчасидан тортиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим олишлари, одоби, маданияти билан боғлиқ масалалар ҳам ўрин олган эди.

Халқ таълими бўлими мудирларидан айримлари ихтиёрий равишда сўзга чиқишиб, ўз фикрларини билдиришди.

Чортоқ тумани халқ таълими бўлими мудири Ўринбоев:

— Анжуман бизга бир сабоқ, деб ўйлайман. Ҳеч нарса билмаслигини тан олиш, аслида файласуфларга хос хислат бўлса-да, мен ҳам таъкидлашга ҳақлиман. Биз ҳали янгича педагогик технология ҳақида умуман тушунчага эга эмас эканмиз. Чилонзор туманидаги 103-гимназия ҳаёти бизни лол қодирди. Бу ердаги масъулият, эътиборни қаранг!

Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлимининг мудири Абдуфаттоҳ Маҳмудов:

— Мақсаднинг эзгулигига қўшиламан. Лекин, тўғриси, янгича педагогик технология ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, уни жорий қилиш қийин кечмайдими?

Ғиждувон туман халқ таълими бўлимининг мудири Эгам Олимов:

— Таклифим: республика Таълим марказида туман, шаҳар ХТБ мудирларининг уюшмаси тузилса. Бу уюшма мазкур семинар кун тартибидаги каби мавзуларни ишлаб чиқса, муҳокама этса ва хулоса чиқарса ёмон бўлмасди. Бундай семинарлар йилига камида бир маротаба чақирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ректори муовини, ёш олим Қозоқбой Йўлдошевнинг беш дақиқалиқ, лекин эсда қоларлик чиқиши барчага маъқул тушди. У шундай деди:

— Таълим жараёнига янгича муносабат интеграциялашган таълим тушунчасини майдонга чиқарди. Ҳаётнинг ўзи яхлит жараён. Демак, таълимнинг ҳаётга ўхшашлигини таъминлайман деган педагогика уни интеграциялашган ҳолда уюштиришга мажбур бўлади.

Миллий педагогикамиз учун ўқувчи ва тарбияланувчи шахсининг ўзи муҳим ҳисобланади. Социалистик педагогика тарбиявий таъсир кўрсатишга, бошқача айтганда, ўқитувчини ишлатишга кўпроқ эътибор берарди. Эътибор берган бўлсангиз, биз кейинги йилларда концепция деган атамани сўзлашувда кўп ишлатяпмиз. Институтимизда 24 ўқув фани бўйича концепциялар яратилди. Албатта, уларнинг барчаси таълим жараёнига сингишиб кетиши керак.

Мажлис ниҳоясида республика Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаров тест натижаларини эълон қилди.

Ҳ. КУЗМЕТОВА.

Хотира қўйгонса гўзалдир

ЯХШИЛИГИ ЭЛГА ТАНИТДИ

Бор-йўғи бир эшикдан кириб келиб, иккинчисидан чиқиб кетишдангина иборат бўлган бу фоний дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз, яхши инсонларнинг дийдорига, суҳбатига туймай қоламиз. Таассуфки, бу дунёдан чин дунёга қайтиш қилган меҳмонлар асло қайтмайдилар. Дийдор эса қиёматга қолади. Гўзал Фарғонанинг суюкли фарзанди, таниқли журналист, ёзувчи, самимий ва дилкаш инсон Мирзакарим Пирматов ҳаёт булганида бугун 50 ёшлик тўйини нишонлаб ўтирган буларди.

Минг афсуски, бўзликлар учун энг суюкли, энг ардоқли, халқ қалбига яқин бўлган ижодкорни бевақт ажал бу дунёдан олиб кетди. У билан неча-неча уйғоқ тонглар, ҳали ёруғ дунё юзини кўриб улгурмаган ажойиб сатрлар ҳам бирга кетди. Армон тўла бу дунёда қалбимизга таскин берадиган нарса шуки, ёзувчидан фарзандлар, невара-чеваралар, ўнлаб қизиқарли очерклар, маҳорат билан ёзилган, миллионлаб китобхонларни ҳаяжонга сола олган «Моҳларойим» романи мерос бўлиб қолди.

Инсон қадр-қиммати, хотираси ҳамма нарсадан азиз ва муътабардир. Дарҳақиқат, шундай. Ёзувчи туғилиб ўсган Бўз туманида ҳам бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мирзакарим Пирматовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида туман мактабларининг бирига унинг номи берилиб, бюсти ўрнатилди. Зиё масканида ташкил этилган мўъжазгина тарихий музейда эса ёзувчининг турли йилларда нашр этилган китоблари, ижодкор дўстлари, оила аъзолари билан тушган суратлари сақланади.

Куни кеча Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида Мирзакарим Пирматов таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида уюшма масъул котиби, ёзувчи Йўлдош Сулаймон, «Гулхан» журналининг бош муҳаррири Сафар Барноев, болалар ёзувчиси Эркин Маликов, адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмуд, ёзувчи Муроджон Мансуров, шоир Икром Отамуродов ва бошқалар Мирзакарим Пирматовнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда у ҳақидаги хотираларини тўлқинланиб сўзладилар.

УЛУҒБЕК.

ИШГА ФИДОЙИЛИК БИЛАН ЁНДАШИЛАЯПТИМИ?

Самарқанд вилояти ҳокимлиги мажлислар залида «Таълим тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласи»га бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, услубиёт хонаси услубчилари, мактабгача, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ҳамда олий, ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси депутати Алишер Мардиев «Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йил 21 ноябрь халқ депутатлари Самарқанд вилоят сессиясида сўзлаган нутқига бир йил тўлиши муносабати билан вилоят халқ таълими соҳасига оид айтилган танқидий фикрлардан кейин йил давомида бажарилган ишлар ва халқ маорифи ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида» маъруза қилди.

Нотиқ ўз сўзида Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача булган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар, вилоятдаги таълим-тарбия аҳволи, оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги каби масалаларга батафсил тўхталди.

Маърузалар юзасидан булган музокараларда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродов, Самарқанд шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Носиров, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ректори, академик Ж. Сатторов, Оқдарё тумани халқ таълими бўлими мудири Ш. Нигматов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Анжуманда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов қатнашди ва сўзга чиқди.

Э. МАҲМУДОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

САТУРН СУВИ

Сатурн сайёрасининг муз халқалари бугланиш жараёни сабабли секундига бир тоннага яқин сув йўқотаётган экан. Бундай тезликда муз яна бир миллиард йилдан кейин тугаб битиши мумкин. АҚШнинг Жонс Хокинс университетининг олимлари «Хаббл» телескопида ўтказган тадқиқотлар ана шундай натижаларни курсатди.

ИНСОНИЯТ БЎЙИ

АҚШнинг Огайо штатилик профессор Ричард Штекелнинг изланишларига кура, кейинги 150 йил ичида хаёт шароитининг яхшиланиб бориши сабабли инсон буйи йигирма сантиметрга узайди. Дунёда нидерландияликлар энг новчалардан экан — уларнинг уртача буйи 183 сантиметр. Буйининг узунлашиши, олим фикрича, саломатлик белгиси экан.

ЧАРЧОҚНИ ЕНГИШ

Германиялик профессор Герман Крюгер чарчоқни енгиш учун кунига икки маҳал жигарингизга грелка қуйиб туринг, деб маслаҳат бермоқда. Олим грелканинг организмга таъсирини узоқ вақт ургангач, бу усул жигарнинг озиқ моддаларини тезлаштиришига қумаклашади, деган хулосага келди.

ХАВФСИЗЛИК САРИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атом электр станцияларидаги ҳалокатларга жараённи кузатиб турувчи операторнинг эътиборсизлиги сабаб булган. Россиядаги Электроника илмий-тадқиқот институтининг бошқарувчиси Александр Башликовнинг маълум қилишича, эндиликда оператора ёрдам тариқасида секундига 15 минг ўзгаришни таҳлил этувчи назоратчи Спринт — ЭРВ компьютери ишлаб чиқилди.

ОЛИМНИНГ ТАЖРИБАЛАРИДАН КЕЙИН

Инглиз психологи Девид Бароу фикрича ҳам кишининг ишбилармонлигини овқатланишидан билиб олса булади. Масалан, таомни танлаб ва шошмай ейдиганлар — яхши ташкилотчи, витаминларга эътибор берувчилар — талабчан ва ишжиқ, иштаҳасиз овқатланадиганлар эса — ишни ҳам шундай бажарадиган кишилар буларкан.

МУЗЕЙ — МАНГУЛИК ЭШИГИ

Яхши биламизки, музейлар азал-азалдан ўтмиш билан бугунги кун орасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаб келиш баробарида, олис ва яқин тарихнинг маълум маънодаги акс-садоси ва бизгача етиб келган элчиси ҳамдир. Шу боисдан булса керак, музейга ташриф буюрган ҳар бир киши ўзини бир зумгина бўлса ҳам мозийда яшаётгандек ҳис қилади, хотиралар билан уртоқлашади, улуғ аждодларимиз турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имкониятига эга булади.

«Ҳар бир тарихий музей барча музейларнинг отасидир», деган эди авар шоири Расул Ҳамзатов. Бинобарин, тарих музейлари миллатнинг ўтмиш маънавияти ва унинг жаҳон халқлари ўртасида тутган ўрнини ифода этади.

Бугунги кунда мустақил республикамизда кўплаб давлат, халқ музейлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шулардан бири Тошкентнинг қоқ марказида қад кўтарган Темурийлар тарихи давлат музейидир. Ушбу маърифат маскани ҳақида эшитмаган одам топилмаса керак. Музей остонасига қадам қўйишингиз биланоқ ўзга оламга кириб қолгандек сезасиз ўзингизни. Муаззам бинонинг ички кўриниши, миллий меъморчиликнинг энг юксак намуналарига ижодий ёндошиб, ишланган тоқ ва равоқлар, олтин суви бериб зийнатланган нақшу нигорлар ҳамда шарқона усулда нақшинкор қилиб ишланган дарвозалар ҳар қандай кишини лол қолдиради.

Кираверишдаги деворларга чизилган суратларда Соҳибқироннинг болалик даври, жанговар ҳаётий йўли ва улкан тахтда ўлтириб сарой умарою уламолари билан кенгашаётгани акс эттирилган. Назаримда ушбу расмлар ортидан жаҳонгир бобомиз келажак авлодларига мағрур боқиб турганлек. Деворлдаги суратлар шундай нозик дид билан ишланганки, беихтиёр рассомнинг ноёб истеъдодига тасанно айтмай иложингиз йўқ. Бундан ташқари темурийлар давридан ҳикоя қилувчи қўпгина тарихий суратларни таърифлашга сўз, ёзишга эса қалам ожизлик қилади. Музейнинг қоқ марказида махсус жойга Қуръон китоби қўйилган.

Музейнинг учинчи қаватида темурийлар даврига таллуқли ноёб топилма буюмлар, тарихий маданиятимиз, санъатимиз ёдгорликлари шу қадар серобки, ҳар қандай кишининг ҳайратдан, ҳаяжондан лол қолиши табиий. Бу ерда шунингдек аждодларимизнинг шонли тарихини ўзида мужассамлаштирган кўплаб осори атиқалар, далилий ашёлар, Соҳибқиронниг улкан жангдаги фаолиятларидан ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, экспонатлар, қилич, жанг кийимлари, китоблардан нусхалар ва бошқа муҳим буюмлар қўйилган. Қўргазмадаги ҳар бир буюм сиз ва биз учун ниҳоятда азиз ва қадрлидир.

Пойтахтимиз қўркига кўрк қўшиб турган мазкур маърифат маскани келажагимиз воризлари бўлган ёш авлодни улуғ боболаримиз билан фахрланиш, улар каби фидойи ва ватанпарвар инсонлар бўлиб тарбияланишида муносиб ҳисса қўша олади, деб бемалол айта оламиз. Ўқувчилар ҳам ўз навбатида ҳар куни бу маърифат масканида бўлишиб, тарихимизга саёҳат қилишади. Соҳибқирон Амир Темур яшаб ўтган давр ҳаёти ҳақида бой маълумотга эга бўлишади. Сирасини айтганда, музей ашёлари ўғил-қизларга ўтмиш аждодларимизнинг кимлиги, уларнинг жаҳон тарихи йилномаларида тутган ўрни ҳақида қимматли маълумотлар беради. Биз Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Нозим Ҳабибуллаев билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Нозим ака, музейга асосан кимлар кўп келишаяпти?

— Музейга келиб-кетувчилар асосан мактаб ўқувчиларидир. Оммани жалб этиш биринчи галдаги вазифамиз. Бунинг учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, қизиқарли ва эсда қоларли учрашувлар ўтказиш, радиотелевидение, матбуотда тез-тез қатнашиб туришимиз керак. Яна бир бор эслатиб ўтмоқчимам. Музейга республикамизнинг турли вилоятларидаги ўқувчилар ҳам бемалол келишлари мумкин. Бунинг учун музей жамоаси билан шартнома имзоланиши керак.

— Юртимиздаги музейлардан минг турли баҳоналар билан олиб кетилган осори атиқалар жуда кўп. Бу сочилган мулкларни йиғиштириб олиш фурсати етмадимикан?

— Ота-боболаримизнинг юксак ақлий тафаккури, нозик диди эвазига яратилган бебаҳо санъатнинг нодир намуналари ҳисобланган кўплаб ёдгорликларимиз дунё бўйлаб сочилиб ётибди. Жумладан, Истамбулдаги Тўпқопи музейида Мирзо Улуғбекнинг шахсий сандиқчаси, темурий шаҳзодаларга тегишли қиличлар, жанг кийимлари сақланади. Бироқ олиб кетилган мулкнинг асосий қисми Россия музейларидан жой олган. Албатта, бу бойликка ҳуқуқий эгалигимиз қонун йўли билан белгиланиши керак. Алмаштириш, сотиб олиш — ишқилиб қандай йўл билан булмасин мулк ўз эгасига қайтарилиши лозим.

— Нозим ака, музейни ноёб экспонатлар билан бойитиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борадаги изланишлар тўхтагани йўқ. Ҳозир ўтмишдошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳужжатларни, темурий шаҳзодалар қўллаган турли хил жанг анжомларини қидиришда давом этяпмиз. Оммaнинг темурийлар тарихи давлат музейига қизиқишлари кундан кунга ортиб боряпти. Уларнинг узлари айни кунда музейни бойитишга ҳисса қўшиш истагини билдиришмоқда. Бинобарин шундай булиши ҳам керак-да: ахир утмишни, тарихни билмай туриб келажак сари дадил бориш жуда мушкул.

Биз ушбу мақолада музейдаги барча ноёб осори атиқаларнинг аҳамияти, тутган ўрни ҳақида батафсил тўхтала олмадик. Яхшиси, бир келиб залларни томоша қилиб, бу ерда амалга оширилаётган ишларни ўз кўзингиз билан кўриб кетганингизга не етсин.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

ДИРЕКТОРЛАР РЕФЕРАТ ЁЗИШДИ

(Боши 1-бетда)

«Устоз отангдан улуғ» мавзусида кеча ташкил қилинган.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Қори-Ниёзий номли 2-ўрта мактаб директори Хуррам Эшонқуловнинг «Мактаб ички назорати ва уни амалга ошириш» мавзусида ёзган реферати таълим жараёнидаги бошқарув тизими билан боғлиқ. Ишнинг режаси муқаддима, асосий қисм ва хулосадан иборат, яъни рисоладагидек.

Мактабшунослик — халқ таълими соҳасининг ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ўта муҳим бўлагидир. У янги йўналиш бўлмаса-да, ўрганилиши, тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳа, халқ таълимини ҳар жиҳатдан бошқариш илмидир.

Мактаб ички назоратини режалаштиришда гап кўп. Хуррам Эшонқуловнинг таъкидлашича, «Режалаштиришнинг асосий мақсади педагогик фаолиятнинг энг мақбул марраларини белгилаш, ўқитувчилар жамоасининг ижодий куч-ғайратини, таълим-тарбия жараёнини узлуксиз такомиллаштира боришга, унда ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоаларининг қобилият ва имкониятларидан фойдаланиш, ақлий меҳнат, ахлоқий ва жисмоний, эстетик тарбиянинг ўзаро сингиб кетишини таъминлайди».

Хуррам Эшонқуловнинг мактаб ички назоратини ташкил этиш борасидаги назарий қарашлари анча муфассал. Реферат ёзишда у баъзан такрорийликка, қайтариқ фикрларга йўл қўйса-да, мактабни бошқаришда унинг ўзига хос тажрибаси борлигини илғаш қийин эмас.

«Бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган мактаб ички назоратининг мавзу режасини ўқув йили бошидаги педагоглар йиғилишида кўриб чиқиш, ўқитувчилар жамоасига маълум қилиш ва тасдиқлатиб олиш зарур» деб таъкидлайди у ва ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб ички назоратини режалаштиришнинг III чорак режаси схемасини келтиради. 6 устундан иборат бу схемада назоратнинг мақсадидан тортиб уни амалга ошириш муддати ҳам кўрсатиб берилган. Агар ана шу режа асосида назорат изчил амалга оширилаётган бўлса, 2-ўрта мактабни Узун туманидаги таянч таълим даргоҳлари қаторига қўшиш мумкин.

Учинчи реферат муаллифи Наманган вилояти Норин туманидаги 2-мактабларарo ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори Абдусаттор Тожибоевдир. Мавзу замонага мос, яъни ўта долзарб: «Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари ва иккинчи босқич вазифалари».

Иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ сингиб бормоқда. Уни рўёбга чиқаришнинг Президентимиз томонидан олға сурилган бешта тамойилини бирма-бир санаб келтирган А. Тожибоевнинг курс иши назарий жиҳатдан баҳолаганда, умуман, анча юксак. У бозор иқтисоди, пул ислоҳоти, майда ва ўрта бизнес, тадбиркорлик каби тушунчалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади.

Иқтисодий ислоҳотлар халқ таълими соҳасига қандай таъсир этмоқда? Иқтисодий таълимни амалга оширишнинг режалари 2-МУПКда қай тарзда йўлга қўйилган? Мактабдан фарқли ўлароқ ўқув ишлаб чиқариш комбинати бозор иқтисодиёти шароитига жуда яқин ва мос маскандир.

Рефератда булар ҳақида бирор жумла, бирор саҳифа учрамайди. Бошдан-оёқ назарий фикрлар ва қуруқ таъкиддан нарига ўтилмайди.

Навбатдаги иш муаллифи Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги 41-мактаб директори К. Матчоновдир. У «Мактаб директорининг синф раҳбарлари фаолиятини бошқариши ва назорати» ҳақида батафсил мулоҳаза юритади.

Бугунги мактаб директори таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир нуқтасига жавобгардир. Унинг синф раҳбарлари ишини назорат қилиши эса таълим босқичида кўз қувонадиган муваффақиятларни таъминлайди.

«Ўз иш тажрибамдан шунга амин бўлдимки, тарбиявий ишларнинг ҳамда услубиётнинг самарадорлигини оширишда синф раҳбарининг кундалик иш режасини текшириш, улар билан яккама-якка суҳбатлашиш йўли мақсадга мувофиқ экан», деб ҳикоя қилади К. Матчонов. Аммо синф раҳбарлари ишига мактаб директори сифатида у бошқаришнинг қандай тамойилларидан, усулларидан фойдаланмоқда? Бу саволга курс ишидан жавоб тополмадик. Шундай экан, умумий гаплардан иборат реферат кимга нима берди?

Ва ниҳоят, сўнгги реферат Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 42-таянч таълими мактаби директори Одинахон Асқарова қаламига мансуб. У «Мактаб раҳбарининг дарс кузатиши ва таҳлил қилиши» мавзусини танлаб, янглишмаган. Чунки мактаб раҳбарининг дарсларни синчковлик билан кузатиши шарт ва муҳимдир.

Одинахон Асқарова дарс таҳлилининг турларидан тортиб, натижалари, мақсади, моҳияти ва ҳоказо қирраларига бирма-бир тўхталади. Уларни назарий жиҳатдан асослаб беради. «Дарс таҳлил қилиш ва ўқитувчиларга баҳо бериш ҳамда уларни тоифаларга ажратишда энг одилона йўлни қўллаб келмоқдамиз. Мактабда раҳбарлар ва услубий бирлашма раҳбарларига ва энг илғор ўқитувчиларга дарслар, фанлар ҳамда синфхоналар тақсимланиб, ҳар ой бошида, ҳар чорак бошида режа асосида схемага ёзиб тақсимланади. Режа схемаси қўйидагича ёзиб қўйилади: «42-таянч таълими мактаб педагоглар жамоасининг 1996 — 97 ўқув йилида ўзаро дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш режа-графиги».

Умуман, О. Асқарова томонидан ёзилган курс иши жуда мукаммал, мавзунинг ичига чуқур кириб борилган. 5 та рефератнинг ичида илмий ва назарий томондан энг пухтаси деб эътироф этган бўлардик. Аммо... Аммо унда ҳаёт билан боғлиқлик чуқур акс этмаган. Яъни барча реферат муаллифларига хос нуқсон унда ҳам мавжуд. Унинг ўзи мактаб директори сифатида бир ўқув йилида нечта дарсни кузатди? Қай йўналишда таҳлил қилди? Унинг самараси қандай бўлаяпти? 42-мактаб осонликча таянч таълим даргоҳига айланмаган бўлса керак. Бунинг замирида қанчадан қанча меҳнат, анчагина дарсларнинг кузатуви ва таҳлиллари ётган эмасмикан?

* * *

Мактаб директори оддий шахс эмас. У раҳбар, жамиятнинг энг фаол аъзоларидан бири. Мактабнинг ички ҳаёти фақат унинг аралашуви, буйруқлари ва кўрсатмалари билангина мукаммал бўлиши мумкин. Унга хос булган хислат-фазилатларни санаб, энсангизни қотирмоқчи эмасмиз. Гапнинг пўсткалласи, у барчани ўзига эргаштирувчи ва мафтун этувчи бўлсин.

Рефератлар масаласига келганда эса назария ва амалиёт бирлиги учун курашиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бошдан-оёқ бир фикрни чайнаш эмас, балки унинг амалий ифодасини кўрсата билиш ҳар биримизга бирор янгилик беради.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги олдидан

«МОВАРОУННАҲР ПАРИЖИ»НИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Келаси йилда республикамиз, қолаверса, бутун дунё жамоатчилиги Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини кенг миқёсда нишонлайди. Шу муносабат билан Бухоро тарихининг турли масалаларига доир мақолалар матбуотда эълон қилинмоқда. Сир эмас, шаҳарнинг ёши масаласидаги илмий баҳслар узоқ давом этди. Мана, бир қарорга келинди. Бухоронинг 2500 йиллик санаси нимага асосланади? Буни тасдиқловчи археологик материаллар шарҳи хусусида сўзлаб беришни Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Ҳалим ТЎРАЕВдан илтимос қилдик.

— Қадимги шаҳарлар, қўрғонлар, сув иншоотлари, тупроқ остида қолиб кетган қадимий аҳоли яшаш жойларини ўрганувчи фан мавжуд бўлиб, у археология деб аталади. Бу фан XIX — XX асрларда ўз тараққиётининг юқори поғонасига кўтарилди. Шу фан туфайли биз бугун қадимги тарихимиз тўғрисида маълум тасаввур ва билимга эгамиз. Унинг ўзига хос хусусияти шуки, у фақат ашёвий далилга таянади.

Урта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин Россия илмий доираларида ўлкани археологик жиҳатдан ўрганишга қизиқиш ортди. Бу борада археологик тадқиқотлар олиб борган рус олимларидан бири Николай Иванович Веселовскийдир. У ўтган асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бўлган Ахсикентда, ҳозирги Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Афросиёб харобаларида археологик тадқиқотлар ўтказди. Бухоро амирлиги Россия тасарруфига тўла тушмаган бўлса-да, унинг ҳудуди ҳам археологик тадқиқотлардан четда қолмади. Бухоро воҳасининг қадимий шаҳарларини ўрганиш асримиз бошларида бошланди. Воҳа қадимий шаҳарларидан бири Пойкентда 1903 йилда америкалик олим Р. Пампелли, 1914 йилда рус археологи А. Л. Зиминлар тадқиқотлар ўтказишган. Тадқиқотлар гарчи охиригача етказилмаган бўлса-да, воҳани археологик ўрганишнинг дебочаси бўлиб хизмат қилди ҳамда кейинги тадқиқотлар учун кенг йўл очди. 30-йилларда машҳур археолог В. А. Шишкин бошчилигидаги археологик экспедиция Варахша шаҳрини топиб фанда оламшумул кашфиет қилди. 50-йиллар бошларида Бухоро воҳасини археологик ўрганиш яна давом эттирилди. Биринчи профессионал ўзбек археологи академик Яҳё Ғуломов бошчилигидаги экспедиция 1951-1953 йилларда Қоракўл тумани ҳудудидаги Замонбобо манзилгоҳини аниқлади ва ўрганди. 60-йиллар бошларида эса академик Аҳмадали Асқаров бу ерда қазиш ишларини давом эттириб, тадқиқотни янги топилмалар билан бойитди ва Бухоро воҳасидаги ибтидоий одам яшаган бу манзилгоҳ бронза даврига оид эканини аниқлади. Эрамиздан аввалги XII асрдан бошлаб воҳада аҳоли гавжумлаша бошлаганлиги равшан бўлди. Лекин бу ҳали шаҳарлар пайдо бўла бошлади дегани эмас эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 70-йилларгача олиб борилган археологик тадқиқотлар Бухоро воҳасидаги қадимий шаҳарларни, аҳоли яшаш жойларини ўрганиш билан чекланиб, Бухоро шаҳри ёшини аниқлаш тадқиқот мақсадини ташкил этмади. Асосий эътибор урбанизация (аҳолининг шаҳарлашуви) жараёнини ўрганишга қаратилган эди. Лекин бу Бухоро шаҳри 70-йилларгача ўрганилмаган деган маънони англатмайди. Шаҳарнинг маҳалла гузарлари тарихи борасида талайгина тадқиқотлар утказилди. Машҳур рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд узининг «Бухоро ва унинг атрофидаги исломгача бўлган саждагоҳлар» асарида ёзма манбалар асосида Бухоро шаҳристони қадимий ҳолатини изчил тасвирлаб беради. Унинг шогирди И. И. Умняков, кейинчалик О. А. Сухарева, А. М. Белинский, И. Б. Бентович, О. Г. Большаков, Е. А. Давидовичлар шаҳар тарихий топографияси, этник тарихига оид юксак амалий аҳамиятга молик тадқиқотлар ёздилар. Зикр этилган олимлар тадқиқотларида ҳам Бухоронинг ёши масаласи кўтарилмаган эди. Бу масалага аниқлик киритиш археология фанининг вазифаси бўлиб, 70-йиллар бошларидан кўтарила бошлади.

1966 йилда Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби ўзбек тилида нашр этилди. Наршахий китобидаги Бухоронинг ёши 3 минг йилга тенглиги тўғрисидаги маълумотлар зиёлилар ўртасида ҳам кенг қизиқиш уйғотди. Наршахий маълумотларини илмий жиҳатдан текшириб кўриш зарурати туғилди. Хуллас, Бухоро ёшини аниқлаш масаласи археология олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди.

70-йиллар бошларидан бошлаб академик Яҳё Ғуломов, 70-йилларнинг 2-ярмидан УзФА мухбир аъзоси Абдулаҳат Муҳаммаджонов бошчилигидаги археологик экспедициялар, шунингдек археолог Елизавета Некрасова гуруҳлари бевосита шаҳар ичида археологик текшириш ва қазиш ишлари олиб бориб, Бухоро ёши ва Арк деворининг ёшини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шаҳар ичида археологик қазиш ишлари олиб боришнинг мураккаб томонлари мавжуд эди. Чунки асосий маданий қатлам аҳоли яшаётган гузарлар остида, ер ости сувлари эса жуда юқорида жойлашган эди.

Бухорони археологик ўрганишга жуда катта ҳисса қўшган олим А. Муҳаммаджоновнинг фикрича, Бухоро шаҳри дастлаб уч табиий дунгликда пайдо бўлган. Булардан бири Бухоро Арки остида жойлашган бўлиб, майдони 1,5-2 гектардан ошмаган, ер сатҳидан 8-10 метр баланд бўлган. Иккинчиси ҳозирги Шаҳристон ўрнида шаклланиб, майдони 12-13 гектарни ташкил этган. Учинчиси Мир Араб ва Мачити Калон ёдгорликларидан қўйида жойлашган дунглик. Бу уччала тепалик ўртасидан қадимда эни 100-120 метр келадиган Зарируд дарёси оқиб ўтган. Аҳоли истиқомат қилувчи бу уччала тепалик атрофи девор билан ўраб олинган. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида шаклланган А. Муҳаммаджоновнинг илмий хулосасига кўра, Бухоронинг ёши 2300 йилга тенг. Лекин Яҳё Ғуломов археологик экспедицияси илмий ҳисоботларида Бухоро ёши 2500 йилга тенглиги эътироф этилади. Маълумки, Наршахий узининг «Бухоро тарихи» китобида Бухоро шаҳрининг, аниқроғи Аркнинг пайдо бўлганлигига 3 минг йил бўлди, деб ёзади. Бугунги сана билан Наршахий санасининг фарқини аниқлаш шарт, албатта.

Бухоро ёшини аниқлашга уринишнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Жаҳон археологияси амалиётида, аҳоли яшаб турган шаҳарда қазиш ишларини олиб бориш ишлари учрамайди. Айтиш керак, Бухоро ёшини аниқлашда шу принципдан чекинилди. Натижада шаҳарнинг баъзи обидаларига зиён етди, уларнинг деворларида ёриқлар пайдо бўлди. Шаҳарнинг ёшига қараб унинг маданий-сиёсий мавқеи белгиланмайди. Бухоро шусиз ҳам жаҳон таниган ва тан олган шаҳар. Бирор шаҳар тўғрисида шунчалик кўп асар ёзилмаган, тадқиқот ўтказилмаган. Хорижлик сайёҳлар уни бежиз «Мовароуннаҳр Парижи» деб аташмаган. Наршахий маълумотларига келадиган бўлсак, унинг «Бухоро тарихи» китоби араб тилида ёзилган бўлиб, асл нусхада бизгача етиб келмаган. Араб тилидаги варианти ҳам йўқ. Асарни форс тилига таржима қилиш жараёнида унга баъзи маълумотлар қўшилган, баъзилари чиқариб ташланган ва асар бир неча марта қисқартирилган. Асарда баён этилган воқеалар хронологияси ҳам Муҳаммад Наршахий яшаган даврдан кейинги 200 йиллик тарихни ўз ичига олади. Китобда, «Бухоро Аркини пайдо бўлганига 3 минг йил бўлди», деган гаплар бор. Асарни диққат билан ўқисак, бу сўзлар аслида Наршахийга тегишли эмас, балки 1128 йилда китобни араб тилидан форс тилига таржима қилган Абу Наср Аҳмад Қубавийга тегишли эканлиги маълум бўлади.

Тўғри, Суғд ёзма ёдгорликларининг муайян қисми бизгача етиб келди. Бу ўлик тилни билувчи олимлар (А. А. Фрейман, В. А. Лившиц, М. Исҳоқов) уларнинг аксарият қисмини илмий муомалага тортдилар. Лекин улар (Муғ қалъа ҳужжатлари) тарихан қисқа даврдаги Суғд ҳаёти ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўз ичига олади. Хронологияси қисқа. Демак, муаллиф оғзаки маълумотларга суянган. Оғзаки маълумотлар эса ҳақиқий тарихни акс эттиролмайди. Қолаверса, китобда ўз давридан 3 минг йил бурунги тарих тўғрисида сўз юритилади. Муаллиф адашиши мумкин эмасми? Тарих ёзган муаллифлар фақат ўз даврида бўлиб ўтган воқеаларни тўғри акс эттириши мумкин. Асарда тилга олинган Кайхисравнинг тарихий шахс эканлигини эътироф этадиган бўлсак, у Аҳоманийлар давлатининг асосчиси бўлиб, эрамиздан аввалги 558-530 йилларда ҳукмронлик қилган. Бу санани китобдаги воқеалар билан муқояса этсак, 3 минг йиллик эмас, 1,5 минг йиллик тарих тўғрисида сўз юритилаётганлиги аён бўлади. Китоб ёзилган даврдан ўтган минг йилни бунга қўшсак, 2,5 минг йиллик сана келиб чиқади. Демак, асар муаллифи хронологик чалкашликларга йўл қўйган.

Академик В. В. Бартольдга Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари ўтган асрдан маълум эди. У Бухоронинг тарихий топографиясини ўрганишда шу асардан фойдаланган ва асарнинг маърифий қимматини жуда қадрлаган ҳолда ундаги, Бухоро шаҳри пайдо бўлганига 3 минг йил бўлди, деган маълумотларга эътибор бермаган. Бу маълумотларга шубҳа билан қараган.

Менимча, шаҳарлар қадимийлиги орасида мусобақа уюштирмаслик керак, у ҳар қандай ҳолатда ҳам утмишдан меросдир. Тарихий ҳақиқатдан эса кўз юммаслик лозим.

Дилмурод ЖАББОР
суҳбатлашди.

Тажриба, синов, натижа

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРИГА ЕТИБ...

ЁХУД ДЕҲҚОНОБОДЛИК ИХТИРОЧИ МУАЛЛИМ, «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБИ Р. ҚОДИРОВ ҲАҚИДА СЎЗ

«Ўзбек тўпи» ўйинини Мирзо Турсунзода номли 21- тожик миллий мактабининг каттаю кичик барча синф ўқувчилари баравариса зўр қизиқиш билан ўйнай бошлашди. Мактабнинг олий тоифали жисмоний тарбия муаллими Ражабали Қодиров ихтиро қилган бу ўйинни ўйнаш учун алоҳида ўйингоҳу алоҳида асбоб-ускунага ҳам ҳожат йўқ. «Ўзбек тўпи»ни баскетбол майдонида ҳам ўйнаса бўлаверади. Умуман, бу қизиқарли ўйинни ўйнаш учун бўйи 18 метр ва эни 9 метрлик майдон етарлидир. Яна 2 та тўп ташлайдиган сават керак.

Ўқувчилар 5 нафардан 2 та командага бўлинишади. Ҳар бир командада ҳимоячи, ўнг, чап ва марказий ҳужумчилар бўлади. Ўйинни ўзига хос қоидалари бор. Ўйинчилар тўпни ўнг қўлида қабул қилиб оладилар, орқасидан айлантириб чап қўлга ўтказадилар-да, чаққонлик билан ҳамроҳига улоқтирадилар... Ўйинчи тўпни саватга ташлашда бир оёқлаб сакраб ҳаракат қилиши керак... Саватга тушган ҳар бир тўп учун «3 хол» берилади. Ўйин ҳар бир қисми 10 минутдан иборат 3 қисмда ўйналади. Ҳар бир қисм оралиғида ўйин иштирокчиларига 2 минутдан дам берилади.

Ўйин ўзбекона иззат-ҳурмат, урф-одатларга асосланган бўлиб, қоидани бузган иштирокчиларга жарималар ҳам берилади. «Ўзбек тўпи» ўйини ўқувчиларда жисмоний ҳаракатчанлик, югуриш, сакраш, ирғитиш, мерганлик, мувозанат сақлаш каби кўплаб жисмоний қобилиятларни камол топтиради.

Умуман олганда, «Ўзбек тўпи»да болаларда жисмонан соғлиқ, юрак ва нафас йўлларини соғломлаштириш каби фойдали машқлар мужассамлашган.

Янгиликнинг қаноти бор дейишганидек, «Ўзбек тўпи» ўйини мактаб, туман, вилоят кўрик-танловларини босиб ўтиб, 1995 йилда «Республика ўқитувчиларининг кўргазмали қуроллар ва ижодий ишлар» кўрик-танловига етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати бу ўйинни юқори баҳоладилар. Унинг муаллифи Ражабали Қодиров республика танловининг 1-ғолиби деб танилди ҳамда унга «Ўқитувчи-ихтирочи» нишони ва гувоҳнома берилди.

—Ражабалини шахсан мен ўзим жуда-жуда ҳурмат қиламан, — дейди Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлими мудири Абдуқодир ака Ашуров. — У ижодкор, тиниб-тинчимас муаллимларимиздан бири. Жорий ўқув йилимизда Ражабали Қодиров томонидан қайта ишлаб чиқилган «Ўзбек тўпи», «Чиллак», «Беш тош», «Сакко», «Кўчмак», «Арқон тош» каби халқ ўйинларимиз туманимиз мактабларида жисмоний тарбия дарсларида ўрганилмоқда.

Мен Ражабали Қодировни «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида жойлашган қадрдон мактабида ижодий иш устида учратдим. У «Кўчмак» ўйини ўйналадиган «Кўчма майдон»ни қайта ишлаётган экан. Ўқитувчи менда ажиб бир таассурот қолдирди. У ўта камтарин, содда ва ёқимтой йигит экан. Ражабали ютуқларидан оғиз тўлдириб мақтанмайди. Сўрасангиз, тортинибгина жавоб беради.

— Ишонаверинг. Ражабалининг ишлари нағз, — дейди мактаб директори Нурали Туробов. — У мактабда спорт ишларини жонлантириш учун керакли маблағни ҳам ўзи топаяпти. У қўли гул, ҳунарманд уста ҳам. Ражабали мактабда ўз ҳисобидан «токли тегирмон» қурди.

Дарҳақиқат, Ражабали Қодиров мактабда тегирмон қуриб тўғри иш қилди. Майлида, бунинг нимаси ёмон? Маҳаллий аҳоли дон-дунини узоқ қишлоқларга ортиб юрмайди. Мактабга ҳам, қолаверса, ўзига ҳам фойда. Мана, ана шу тегирмондан келаётган «соф фойда» ҳисобига мактабда спорт ишлари жонланиб кетди-ку! Мактабнинг «Ғолиб» футбол жамоаси аъзолари ўтган йили Қашқадарё вилояти ўқувчилари орасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бу ишларда ким ҳомийлик қилди, дерсиз. Ҳеч ким. Бу харажатлар ҳам Ражабали Қодировнинг «мактаб тегирмони»дан тушган «соф фойда» ҳисобига амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, қишлоқ муаллими Ражабали Қодиров катта ишга жазм қилган. У А. Авлоний номли Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ходими Талъат Усмонхўжаев раҳбарлигида «Жисмоний тарбия дарсларида халқ миллий спорт ўйинларидан фойдаланиш» деган мавзуда илмий педагогик изланиш олиб бораётир.

1996 йил Ражабали Қодиров ҳаётида унутилмас йил бўлиб қолди. У яқинда Президентимиз Фармони билан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ўз меҳнатига берилган бу юксак мукофот ёш муаллимни янада руҳлантириб юборди. Унинг юрагида талабалик йилларида Қарши Давлат педагогика институтида олган билимларига, иш фаолиятида «катта ҳаёт китоби»дан уққан сабоқларига амал қилиб, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида дилдан меҳнат қилиш иштиёқи туғён уриб турибди.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат» газетасининг махсус мухбири.

ЛОНДОНДА БУХОРО ВА САМАРҚАНД ШУҲРАТИ

Яқинда Лондондаги Британия музейида Бухоро ва Самарқанд меъморчилиги тарихи билан таништирув тадбири ўтказилди.

Туркистонимизнинг қадим шаҳарлари жаҳон меъморчилиги тарихида бетакрор урин тутади. Юртимиздаги исломий маданият маҳсуллари бўлган осори атиқалар ҳозиргача ер юзининг турли бурчакларидаги тадқиқотчилар диққатини тортиб, ўзининг сиру синоатию жозибаси билан уларни лол қолдириб келяпти.

Шундай олимлардан бири — британиялик профессор Барбара Бренд хоним. У узоқ йиллардан буён эркин илмий изланишлар олиб боради. Хева, Бухоро, Самарқандни бир неча бор зиёрат қилган. Ҳозир эса Буюк Ипак йули дурдоналари бўлган бу шаҳарлар меъморчилигини ўрганишга астойдил киришган.

Британия музейида утказилган Бухоро ва Самарқанд меъморчилиги тарихи билан таништирув тадбирида Барбара Бренд хоним ўз илмий хулосалари билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништирди.

— Гўзал шаҳарларингиз жозибаси мени ўзига мафтун қилибгина қолмади. Бу қадим иморатларда ажиб бир сир-синоат бор. Улар мени ўзига ошно этишга чорлаб турибди. Бошқа масала ҳам мавжуд: худди ана шу осори атиқаларда яширин сирлилик замирида ривожланган давлатчилик излари сезилиб тураги, — дейди биз билан суҳбатда профессор Бренд.

Ҳа, Туркистон — бугун жаҳоннинг қадим маданиятга бешик бўлган бир гўшаси. Юртимиз маданияти тарихининг жаҳон олимлари тарафидан ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўтмишимиз бугунимиз ҳақида, келажагимиз хусусида ҳам сўзлаб тураги.

Беруний ОЛИМОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги, Лондон шаҳри.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

Д

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — давлат томонидан корхона ва хўжаликларга муайян маҳсулот турини тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот характеридаги ишларни бажариш бўйича бериладиган топшириқ. Уни бажариш махсус шартнома билан келишилади, биринчи навбатда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мўлжалланади. Давлат буюртмасини бажариш, айниқса, бозор шароитларида, корхоналарга муайян имтиёзлар яратади: давлат хом ашё таъминоти, иш ўринлари ва маҳсулот сотилишини кафолатлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат буюртмасининг ҳиссаси кескин камаяди. Аммо баъзи доираларда: мудофаа, фан, соғлиқни сақлашнинг айрим тармоқлари, болалар истеъмоли предметлари ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби соҳалар учун давлат буюртмаси сақланиб қолади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — марказлашган давлат пул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси. Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши бюджет тақчиллиги деб аталади. Давлат бюджети ҳажми унга келиб тушадиган даромадларга боғлиқ (қ. Бюджет).

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ — бюджетга пул тўплаш мақсадида давлат номидан чиқариладиган ва сотиладиган, давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз. Қарзни қоплаш муддатларига кўра қисқа муддатли (1 йиллик), ўрта муддатли (2-5 йиллик), узоқ муддатли (5 ва ундан ортиқ йиллик); даромадларига қараб процентли ва ютуқли; тарқатилиш жойига қараб мамлакатнинг ўзида тарқатиладиган ички ва хорижий давлатларга кредит тарзида бериладиган — ташқи заёмлар мавжуд.

ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ АКЦИОНЕРЛАШ — корхонани давлат мулкидан акционерлар жамоаси мулкига айлантириш. Давлат корхонасини акционерлаш корхона молмулкини инвентаризациялаш, қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқишдан бошланади. Корхонанинг асосий фондлар ва оборот маблағлари миқдори аниқланиб, шу миқдорга тенг суммада акция чиқарилади. Акцияни, энг аввал корхонада ишловчи ишчи-хизматчилар, сўнгра бошқа корхона, ташкилотлар, ҳатто банклар ва ниҳоят, корхонага алоқаси бўлмаган фуқаролар сотиб оладилар. Агар пул корхонанинг қийматини қоплашга етмаса, акциянинг бир қисми насияга сотилади ва уни олганлар қарздорга айланади. Акционерлашган корхона ўзини-ўзи бошқаради, эркин, мустақил товар ишлаб чиқарувчига айланади, унинг давлат билан муомаласи солиқ тўлашдан иборат бўлади. Давлат корхонасини акционерлаш иқтисодиётни демократиялаш, бозор муносабатларига ўтиш учун зарур тадбир ҳисобланади.

ДАВЛАТ МУЛКИ — асосий мулкчилик шакларидан бири. Давлат мулки икки йўл билан пайдо бўлади: а) хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш; б) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучайиши билан давлат мулки ривож топади, лекин унинг монополияси ўрнатилгач, рақобатга халақит беради. Натижада давлат мулкини реприватизациялаш юзага келиб, бошқа мулк шакллари кучаяди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иқтисодиётни демократиялаш давлат мулки монополиясини тугатишни тақозо қилади. Давлат мулкининг ҳукмронлик доираси кескин қисқаради. Давлат мулки асосан жамоа мулкига, фуқаролар мулкига ва хусусий мулкка айлантирилади.

ДАВЛАТ РЕНТАСИ — давлат муддатсиз облигация қарзига тўлов тури. Давлат қарзга олган капиталга ҳар йили маълум даромад (рента) тўлаб туриш мажбуриятини олади.

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

(Давоми бор).

Оилада тарбия сабоқлари

НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

Оиламизда беш нафар фарзандимиз бор. Уларни иймонли ва ҳаёт қийинчиликларидан қўрқмайдиган қилиб тарбиялаш эса эзгу мақсадимиз. Бу катта меҳнат ҳамда масъулият талаб қиладиган иш. Шу мақсад бўлди-ю, оилавий бир тадбир ўйлаб топдик. Ёзги таътил тугашида турмушдошим Венерахон билан маслаҳатлашган ҳолда фарзандлар иштирокида оилавий йиғилиш ўтказдик. Бунда ҳар бир фарзандимиз номига шахсий ҳисоб варақа ажратиб, уларнинг исм, фамилиясини ёзиб чиқдик. Фарзандларимизнинг фанлардан олган ҳар бир «беш» баҳоси учун исм ва фамилияси кўрсатилган шахсий ҳисобига (қулига эмас) 5 сўм ўтказишимизни билдирдик. Агар «2» баҳо олса, уларнинг ҳисобидан бизга 5 сўм ўтказилишини ҳам айтиб ўтдик. Фарзандларимиз ҳаракатчан чиқиб қолишди. Улар айни кунларда фанлардан олган «5» баҳоларини бизга кўрсатишда давом этишмоқда. Биз эса берилган жавобларнинг меваси бўлган «5» ёки «2» баҳоларнинг қўйилиш сабабларини суриштиряпмиз. Натижа ҳозирча биз кутгандан ҳам зиёда.

Яна бир гап. Фарзандларимиз жамғармасига тўпланаётган пулдан уларга китоб олинади. Бир-бирларининг туғилган кунига ўз ҳисобидан ширинлик (конфет, печенье)лар олишмоқда. Уларнинг ҳисобида бўлган озгина (аслида улар учун кўп) жамғармасига биз отаоналар ёрдам бериб, ўзларига кийим-кечаклар ҳам олмоқдамиз. Синов йули тақозоси билан қилинган бу иш фарзандларимизнинг ўқиш ва изланишларида ижобий аҳамият касб этмоқда. Бу бизнинг назаримизда фарзандларимизни ҳаёт деб аталган мураккаб жараёнга тайёрлаш усули, шу билан бирга фарзандларимиз ўз йўлини мустақил топиши учун қилинган оилавий бир тадбирдир. Хуллас, изланилса, бу усулнинг бошқача йўналишлари ҳам топилиши, шубҳасиз.

Ғафур ЭШМОНОВ,
оила бошлиғи, ЎзРФА адабиёт институти илмий ходими.
Венерахон ЭШМОНОВА,
уй бекаси.

Тадқиқотлар оламида

ФИДОЙИ ҲАҚИДА РИСОЛА

Узбек халқи мустақил бўлиб, яшаш тарзини истиқлол мафкураси негизига қура бошлади. Ҳаётнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар миллий қадриятлар асосида олиб борилмоқда. Айниқса, миллий қадриятлар — қатағонлик онларида бевосита айбдор бўлган улуғ кишиларимиз, йўқотиб юборилган журналист, ёзувчи, педагог ва жамоат арбобларимиз ҳаёти, фаолиятларини, фожиали қисматларини ўрганиш ва элимизга ошкор қилиш, шу сўз эркинлиги берилган давр — мустақиллик даврида имконият яратди. Бундай тоталитар тузум қурбонларининг шарафли номларини тиклаш истиқлол мафкурасининг қарор топишига баҳолу қудрат ёрдам беради.

Бу ҳақда Президентимиз И. Каримов деган эди: «Бугунги кунда яқин тарихимиз XIX аср охири ва XX аср бошида, 20-30 йилларда яшаб ўтган, бироқ ҳақсиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи, мафкуралашган ва тоталитар тузум шароитида тўҳматга учраб, йўқ қилинган ўзбек халқи фарзандларининг шарафли номларини тиклашга катта эътибор берилмоқда».

Ана шу ҳақли сўзлар силсиласидан келиб чиққан ижтимоий фанлар тадқиқотларида масаланинг ижтимоий илдизлари аста-секин ёритиб борилмоқда.

Таниқли тарихчи олим Ҳайдарали Узоқов яқинда узининг «Чулпон» нашриёти томонидан «Эр киши битта гапиради» номидаги рисоласини чоп эттирдики, бу нарса юқорида айтган даъвомизга қилинган бир ҳозиржавобликдир.

Ҳайдарали Узоқовнинг ушбу рисоласи моҳият жиҳатидан ўзбек халқининг бегуноҳ отилиб кетган минг-минглаб улуғлари қаторида турувчи улкан педагоги, журналисти, филолог олими Ашурали Зоҳирийнинг ўта нозик ва фожиали ҳаёт йўлига, унинг илмий, педагогик ва журналистик фаолиятига, большевиклар шуросининг қотиллиги кундасига дучор бўлганлик сабабларига бағишланган ва унинг фанимиз, қадриятларимиз, ўзлигимизга доир айрим асарлари намуналари кенг китобхонлар оммасига етказиб қўйиш муаммоларига бағишланган.

Маълумки, Ашурали Зоҳирий ўзбек миллий педагогикаси ва миллий журналистикасида ўзининг овозига эга зиёли эди. Бу улуғ зотнинг табаррук номи қатағонга учраб йўқотиб юборилган Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла хўжа, Фитрат, Чулпон, Назир Турақул кабилар билан ёнма-ён туради. Унинг мумтоз адабиётимизнинг алломалари Навоий, Фузулий, Жомий кабилар ижодлари ҳақидаги, туркий тил, шахсан ўзбек тилининг фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, луғат таркиби, лексикографияси тўғрисидаги, ўзбек ёзма нутқи — журналистика муаммолари — нашр афкорларига бағишланган ҳамда миллий таълимнинг қадриятларимиз силсиласидан келиб чиқиб битилган илмий ва методик руҳиятга бағишланган юзлаб тадқиқотлари истиқлол туфайли синчков олим Ҳайдарали Узоқов томонидан ўзига хос тадқиқ этилмоқда.

Олим унинг «Эр киши битта гапиради» илмий-тарихий ва бадиий-публицистик асари том маъноси билан 20-30 йиллар Шуро ҳокимиятининг маъновий қиёфасини белгилаш, тоталитар тузумнинг мудҳиш башарасини чизиб бериш орқали буюк педагогнинг босиб ўтган фожеали ҳаёт йўлини бой материаллар, айниқса, шу кунгача ўқиш ва ўқилишдан яшириб келинган ҳужжатасров далиллари ҳамда тирик шоҳидлар гувоҳликлари негизида теран тил, ишонарли талқинлар билан атрофлича таҳлил этади.

Китоб «Гурунгдан чиққан мавзу», «Ижод исёнкорлиги», «Исёнкор педагог қисмати», «Ташкилотлар сири»,. «Ҳақиқат қуйчисининг шахси», «Имломиз муаммолари ва А. Зоҳирий қарашлари», «Маданий революциянинг қонуний амри», «Ҳибсга олиниш» сабабияти», «Чала қолган томон...» боб ҳамда бўлимлардан иборат.

Бу боб ва бўлимларда Ашурали Зоҳирийнинг муўтабар қиёфаси тулақонли чизилади. У Шуро сиёсий идораларининг мудҳиш терговчилари азобида дард чеккан шахс бўлганлигини ишонарли ва ўта таъсирли қилиб тасвирлайди. Бу талқинларни китобхон ҳаяжонларсиз ўқий олмайди.

Ана шулардан келиб чиқиб, муаллифнинг ушбу китобини қатағонлар сериясида текширишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга ибрат қилиб курсатишни жуда-жуда истардик. Бошқача қилиб айтганда, «миллатчи», «ватан хоини», «аксилинқилобчи», «Шуроларга қарши», «чет эл агенти», «пантуркист», «панисломист» сингари сон-саноқсиз туҳматлар остида большевиклар томонидан йўқотиб юборилган буюк алломаларимизнинг ҳар бири ҳаёт тарзини атрофлича ўрганиб, алоҳида рисолалар ҳолида чоп эттириш даври келди, деб ўйлаймиз...

Китобнинг қимматли томонларидан яна бири шундаки, Ҳайдарали Узоқов текстологик тадқиқотларга ҳам қўл уриб, алломанинг ҳали шу кунгача халқимизга маълум бўлмаган араб графикаси асосидаги ёзувимиз билан саҳв этилган Шарқ адабиёти — мумтоз адабиётимиз баъзи вакиллари ижодиётлари, асарлари ва узбек тили муаммолари, миллий таълим учоқлари ҳамда журналистикага доир баъзи асарларини крилл ёзувига агдариб кенг китобхонларни ошно қилганлигидир.

Муаллифнинг ушбу рисоласи ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо биз, китоб ҳақидаги мухтасар сузимизга якун ясаб, миллий қадриятларимиз, истиқлол, эркинлик учун ботирларча кураш олиб борган халқимизнинг фидойи зиёлиси ҳақида рисола битган олимга шунга ўхшаш руҳдаги кўплаб тадқиқот рисолалари битишини умид қиламиз.

Исломжон ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Улфат МАҲКАМОВ,
педагогика илмлари номзоди, доцент.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 12-»Ором» болалар боғчасида қишлоқ меҳнаткашларининг 150 га яқин фарзанди тарбияланаётир. Кичкинтойлар масканининг тажрибали, болажон мураббийлари табиатни севиш, тасвирий санъат, рақсга тушиш ва қўшиқ куйлаш машғулотларида болаларга миллий анъаналарни сингдиришга алоҳида аҳамият бераётирлар. Боғчанинг Муқаддам Иноғомова, Мастура Акромова, Салима Мирзаева сингари жонкуяр тарбиячиларидан ота-оналар беҳад миннатдорлар.

СУРАТДА: болалар «Салом, Янги йил!» мавзуидаги Янги йил эрталигига ҳозирлик кўрмоқдалар.

***

Мусиқа раҳбари Азиза Тўраева 21 йилдирки, мазкур боғчада жажжи кичкинтойлар билан, ёнма-ён меҳнат қилиб келаётир. У болалар билан Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз сингари эртак қаҳрамонлари иштирокидаги «Ўрмонда янги йил» саҳна кўринишларига тайёргарлик кўраётир.

СУРАТДА: Азиза Тўраева болажонларни Янги йилга бағишланган томошага ҳозирламоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ суратлари.

ФИТРАТ

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Шопур Хусрав ҳақида маълумот бериб уни қочишга кўндирадир. Ширин Шапдиж исмли отга миниб ов баҳонаси билан чиқиб қочадир. У вақт Парвиз Ширинни йўлда учратмоқ учун чиқғон бўладир. Йўлда булар учрашиб танишмай ўтадирлар. Ширин Парвиз саройиға келиб кўнадир. Парвизнинг ҳарам қизлари «Парвиз бу чиройлик қизни кўрса, биздан айнийдир», деб Ширинни тутиб қўл-оёғини боғлаб, яширин бир жойға қамаб қўядирлар. Парвиз Эрам шаҳриға келадир. Онда Шопурни топадир. Шопур унга Ширинниг қочирғонин сўзлайдир. Парвиз Маҳин Бонуға меҳмон бўладир. Буни Ширинниг меҳмонхонасида кўндирадилар. Шопур Парвиз саройиға келиб, чуқур бир зиндондан Ширинни топиб чиқариб ўз шаҳрига қайтадир. Ширин билан Маҳин Бону бир муддат Парвизни меҳмон қилиб сақлайдилар. Сўнгра Парвиз Шириндан аччиғланиб Рўм ўлкасига бориб, Рўм подшосининг қизи Марямга уйланадир. Рўм подшоҳидан ёрдам олиб ўз ўлкасини душманлардан тозалайди. Парвизнинг Марямга уйланганин Ширин эшитгач, тоқат қилолмай хат ёзадир. Ики-уч хат ёзишгондан кейин Ширин Фарҳоднинг ўзини севганини эътироф қилиб ҳам шу билан махтаниб ёзадир: Парвиз Фарҳодни ўз ўлкасига чақириб тоғ қазишни илтимос қиладир. Фарҳод тоғни қазиб турғон вақтда маълум чол кампирнинг ҳиласи билан ўладир.

Маҳзун шу ергача Низомий бўйинча достонни давом этдиргандан кейин яна Навойи изига тушган. Маҳзунга кўра, достоннинг қолғон қисми тубандагичадир. Ширин Фарҳоднинг ўлим хабарини олғоч, қўшин юбориб Фарҳоднинг ўлигини кетириб олтин тобутга соладир. Хазинаға киргизиб, ўзи ҳам кириб, эшикларни бекитадир-да, Фарҳоднинг ўлиги устида ўладир. Маҳин Бону ҳам бу хабарни олиб ўладир. Фарҳоднинг отаси Чин ҳоқони ўғлини ахтариб чиқиб Эрам шаҳарига келадир. Воқеани англаб Эрамни хароб қилиб қайтадир. Достоннинг бу қисмида Хусравдан ҳеч гап йўқ. Зотан, достоннинг бориши Хусравдан гапиришга эҳтиёж қолдирмаґон.

Булардан бошқа яна бир «Фарҳод-у Ширин» достони бор. У, сўнг замонларда Мир Маҳмуд Ибни Шоҳ Юнис томонидан «Наср хамсаи бе Назир» унвони билан насрга айлантирилган Навойи ҳамсасининг айнан насрга айлантирилгани бўлиб, айрича ҳеч бир аҳамиятли нуқтаси йўқдир.

Ўрта Осиёда Хўжанд ҳам Бойсун тоғларида «Фарҳод тоғи», «Ширин сойи» каби жойлар бор. Мана шу ўрунлар атрофида халқ орасида юрган турлича «Фарҳод-у Шарин» ҳикоялари бор. Бу ҳикояларнинг бирини Бойсун атрофида ўртоқ Ғулом Зафарий ёзиб олғон. Бу ҳикоятга кўра, Фарҳод қўй чўбони бир йигит бўлгон. Хўжалардан, асилзодалардан бирининг Ширин исмли қизиґа ошиқ бўлгон, қиз ҳам Фарҳодни севган. Бироқ асилзода хўжалар чўбонґа қиз бермайлар, бу қонун! Бермаслик учун баҳона изслайлар. Бойсун атрофидаґи «Кетмон чопди» тоґини қазимоқни Фарҳодґа таклиф қилалар. Фарҳод шуни қазґонда маълум хила билан ўладир. Кўриладир, Низомий достонидаґи Хусравнинг Фарҳодґа қарши бўлгон рўли бу ҳикояда Шириннинг қавм-қариндошлари бўлгон Бойсин хўжаларига берилган бу ҳикояда Фарҳод-у Ширин орасидаґи аслзодалиқ масаласининг изини эса Фирдавсий, «Шоҳнома»сида учратамиз. Фирдавсий «Шоҳнома»сиґа кўра, Хусравнинг Ширинни ҳарамґа киргизганин эшитган Эрон саройи одамлари, давлат кишилари жуда қаттиґ норозилиқ билдириб, ҳатто бир неча кун саройґа келмай қолдилар. Шоҳлар наслидан бўлмаґон Шириннинг шоҳ ҳарамига киришиґа қаршилиқ қиладилар. Хусрав расмий бир мажлис чақириб, уларни турли далиллар билан қондирилґондан кейингина Ширинґа ўйлана олгон эди. Бойсин ҳикоясида эса хўжалардан бўлгон Шириннинг қавми унинг қўй чўбони Фарҳодґа чиқишиґа рози бўлмайлар. (Фирдавсийда Шириннинг чўбон қизи бўлиш эҳтимоли ҳам юқорида ўткан эди). Эҳтимолки, бу ҳикоя қадим замонларда тожиклар орасида маълум бўлгон «Хусрав-у Ширин» достонининг қолдиқлари билан Навойи достонининг таъсири остида чиқгондир.

Энди шу узун сўзлардан хулоса чиқармоқчи бўлґонимизда, тубандаги нуқталарни қайд қилиб ўтиш мумкин. «Хусрав-у Ширин» достони Эрон халқ достони бўлиб, 7-10-нчи асрлар орасида туґулґондир. Бу достоннинг бир қисмини Эроннинг 10-нчи аср шоирларидан Фирдавсий ўзининг, «Шоҳнома»сиґа киргизган. 12-нчи аср шоири машҳур Низомий эса 1193 йилда бу достоннинг тамомини олиб, янгидан чиройлик бир шаклга киргизган. Бундан сўнгра форс шоирлари қаторлаб Низомийґа ўхшатма «Хусрав-у Ширин» достонлари ёзґонлар. Булардан ҳар бири асосан Низомий чизиґи билан борса ҳам, баъзи жойларини ўзгартганлар-да, Фирдавсий, Низомий, Хусрав-у Деҳлавий каби форс шоирларининг достонлари «Хусрав-у Ширин» исмли бўлиб бу биринчи даражада қаҳрамон Хусрав билан Шириндан иборатдир. Фарҳод эса бу асарларда иккинчи даража қаҳрамон бўлиб, воқеанинг ўрта еридан бошлаб кирадир. Фирдавсий, «Шоҳномаси»да Фарҳод йўқ. Шириннинг қаерда экани айтилмайдир. Низомий бу достонни Арманистон билан Эрон орасида ўйлайдир. Низомий асарида Чин ўлкаси ёлгиз Шопур билан Фарҳоднинг таҳсил қилгон ўрунлари бўлиши эътибори билан эслатиладир. Хусрав-у Деҳлавий шу нуқтани бир оз чуқурлатиб, Фарҳодни Чин хоқонининг ўғли қиладир. 15-нчи асрнинг машҳур чиґатой шоири Навойи эса форс устодлари томонидан ёзилгон бу достоннинг тузилишига эътироз қилди. Ҳам достонни бошқа шаклга солиб, «Фарҳод-у Ширин» исми остида ишлаб чиқарди1. Навойи биринчи даража қаҳрамон қилиб Фарҳодни олди, Навойи воқеани Чин ўлкаси билан Арманистон орасида тушунадир. Ҳатто Шириннинг армани қизи эканини жуда аниқ ёзадир. Навойининг бу ишларига Низомий билан Хусрав-у Деҳлавийнинг Фарҳодни Чинга нисбат беришлари, албатта, катта ёрдам қилди.

Хусрав-у Парвиз эса Навойи асарида ёмон бир тип бўлиб, воқеанинг ўрта ерига кирадир. Навойидан кейин бу достон Ўрта Осиёда яшаґон турклар орасида кенг ёйилди, кўп ўқулди. Ўзбек шоирлари бу достон устида янгидан ишлаб, тилини соддалаштириб янги асарлар ёздилар. Халқ орасида ёзилґон бу достоннинг таъсири билан Фарҳод тоґи, Ширин сойи каби исмлар чиқди. Сўнг ўзбек шоирлари томонидан ёзилґон «Фарҳод-Ширин» достонларида Навойи таъсири кўбрак бўлса ҳам, Низомий, Хусрав таъсирлари ҳам бор.

Фикримча, бу достоннинг Эрондаґи шакли бурунґи Эрон, Арманистон ўлкалари орасида сосонихукмдори Хусрав-у Парвиз замонида бўлґон муносабатларнинг халқ миясида қолґон излари ёрдами билан чиқґон бир афсонадир. Фарҳод-Кўҳкан афсонаси эса ґарбий Эронда, қасри Шириндан кўп узоқ бўлмаґон Бесутун тоґидаги тарихий расмлар ҳақида туґулґон бўлса керак.

Қайта нашрга тайёрловчи Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ.

1. Навойидан бурун Қутб исмли бир шоир томонидан Миср шаҳзодаларидан Тинибек хонґа бағишлаб ёзилґон туркча бир «Хусрав-у Ширин» достонининг бирдан-бир нусхаси Ленинградда Азия музейида бор. Фотограф билан олинґон бир нусхасини текширганимизда, бу асарнинг Низомийни туркча айнан таржимаси эканини кўрдик.

(Боши газетамизнинг ўттан сонларида).

Фан ва техника оламида

ЮРАК ХАСТАЛИГИГА ДАВО

Аклевин — юрак хасталигини даволовчи доридир. Уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси илмий текшириш институтининг технологик жарёнларни текшириш лабораториясида олимлар ишлаб чиқдилар.

Янги дори юрак хасталиги — аритмия билан касалланган беморларни даволашда қўлланилади. Бу дори Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор ўсимлик моддаларидан олинади. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш олдидан аклезин дориси синовлардан ўтди. Институтнинг кичик корхонасида уни ишлаб чиқарадиган технологик қурилма ҳам тайёрланди.

Институтда ишлаб чиқариладиган бу дори нархи жиҳатидан ҳам бошқа шу турдаги дорилардан анча арзондир.

ЎТА СЕЗГИР КРИСТАЛ

Гавай ороллари шакарқамишни еб қуритадиган қўнғизларга қарши курашда техник асбоб иш берди. Пьезокварц пластинкали ускуналар экинзорлар атрофига ўрнатилиб, электр токига уланди. Шунда ускуналар олис-олислардан экинзорга яқинлашаётган қўнғизларнинг ниҳоятда паст, ўзига хос чиқарадиган овозини эшитиб, ер эгаларига қўнғизларнинг яқинлашаётгани ҳақида «хабар» берди...

Мазкур ўта сезгир ускуна минерал кристалларнинг пьезоэлектрик хоссаларига асосланиб яратилган. Масалан, кварц пластинкаси ана шундай хусусиятга эга. Дейлик, қалинлиги сантиметрнинг ўндан ва юздан бир бўлагига тенг, катталиги 3-4 сантиметр квадратга эга бўлган тиниқ тоза кварцдан кесиб олинган пластинкалар радиотехникада муҳим аҳамият касб этади. Улар ўзгарувчан ток майдонида бир сонияда бир мингдан бир миллионга қадар тебрана олади.

Олимлар шакар, сегнит тузи, литий сульфати, аммоний фасфати ва бошқа минераллар ҳамда моддаларнинг пьезоэлектрик хоссаларини ўрганиб, уларни ўта сезгир асбоб-ускуналар яратишда қўллаш устида кенг тадқиқотлар олиб боришмоқда.

ТАДБИРЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши, уларни бугунги кун дунё қараши ва тафаккурини бойитиш учун таълим-тарбия ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Тарбиянинг бугунги замон руҳи талабига олиб чиқиш шу куннинг асосий талаби бўлиб қолмоқда. Шу боис Тошкент шаҳридаги 34-ҳунар-техника билим юртида ҳам ўқувчиларга ошпазлик, қандолатчилик, новвойчилик каби ҳунарларни ўргатиш билан бир қаторда уларнинг тарбиясига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Куни кеча ушбу даргоҳда «Миллатимиз ва маданиятимиз» мавзусида қизлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда билим юртининг 7 нафар қизлари иштирок этди. Улар ўзаро муомала маданияти, куз фаслида қизларнинг кийиниши, орасталик, пазандалик каби мавзуларда куч синашдилар. Танловнинг ҳар бир чиқишида тенг маҳорат ва талант билан ажралиб турган икки қиз, яъни Раъно Бозорова ва Оля Броньскаялар биринчи ўрин «Куз маликаси» пиллапоясига чиқишга муваффақ бўлди. Шу сабаб Маликанинг тожи Раъно Бозоровага, маликанинг тахти эса Оля Броньскаяларга насиб этди.

*— **Кечанинг мақсади қизларимизни орасталик, маданиятли хушмуомалалик ва пазанда бўлишга тайёрлаш эди. Биз кутилгандан ҳам зиёда муваффақиятга эришдик. Айниқса, рус миллатига мансуб бўлган қизларимизнинг шарқона одатларимизни биз билан тенг қадрлаётганлиги жуда қувонарли ҳол бўлди,** — дейди биз билан суҳбатда билим юрти ўқитувчиси Рузимурод ака Ғоипов.*

Ҳа, бу тадбирларнинг ҳар бирида бугунги ва эртанги кун ўз аксини топиб бормоқда.

Собир РАЖАПОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Яқинда олий педагогика институтининг ташаббуси билан республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли лицей директорларининг бир ҳафталик малака ошириш курси ташкил этилди. Бу ташаббусни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўллаб-қувватлади ҳамда амалий ёрдам берди.

Бир ҳафталик малака ошириш курслари тугаши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг муовини У. Усмонов, ўрта махсус таълим бош бошқармаси бошлиғи Ж. Хусановлар иштирок этиб, тингловчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб беришди. Шундан кейин тингловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, малака ошириш курслари таътил даврида ўтказилса, лицейлар учун алоҳида концепциялар ва марказ ташкил этиш муаммолари ҳал қилинса, нур устига аъло нур бўларди, деган таклифлар киритилди. Вазир муовини У. Усмонов бу таклиф ва талабларнинг амалга ошиши учун, албатта, ёрдам берилажагини таъкидлаб ўтди ва тингловчиларга малака оширишни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни топширди.

Т. ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Кўнгил битиклари

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИҒА

Қалдирғочлар қанотингиз қоқиб учингиз,
Ҳаволанмай эл-юртимга ёқиб учингиз!

Ақлу одоб меҳрингиз, пок қалбингиз билан
Халқим севган доноларга боқиб учингиз!

Гўзал боғлар, чаманзорлар яратиб янги,
Анбар ҳидли гулдасталар тақиб учингиз!

Ватанимнинг келажаги, кўрки, қувончи,
Илму ҳунар сирларини уқиб учингиз!

Узбегимнинг ўзлигини англасин олам,
Дунё узра донг таратиб, Соҳиб учингиз!

Истиқлолга иқбол тилаб шеър ёзди Фахри
Ширин-ширин шогирдларим ўқиб учингиз!

Кеча-кундуз ҳудойимдан толенгиз тилаб,
Қул кўтарган дуогўйдан воқиф учингиз!

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ,
Нурота туманидаги 20-ўрта мактаб фахрий ўқитувчиси.

БИЛМАДИНГ

Ишқим отдинг,
Меҳрим сотдинг,
Шамдек қотдинг—
Билмадинг.

Фиғон фалакда,
Армон юракда
Дармон керак-да,
Билмадинг.

Умид ўлди,
Ғаним кулди,
Паймон бўлди,
Билмадинг.

Туним бедор,
Куним бекор,
Ғамим беор,
Билмадинг.

Ўтар ҳаёт,
Меҳрлар ёт,
Қаҳрлар бот,
Билмадинг.

Қодир Эгам,
Қилгил карам,
Кўнгил ярам
Билмадинг.

Маҳбубахон МАМАЖОНОВА,
Қиргули туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси.

ШИША ИДИШДА СУВ ИЧСАНГИЗ...

ҲАЖВИЯ

Маъмурмалимнинг хотини тонг саҳарларданоқ қўшни «Биржа хола» чиройли шиша вазалар сотаётганини айтиб, ана шу шиша вазадан ҳеч бўлмаса бир жуфтгина олиш масаласини «бош масала» сифатида кундаланг қилиб қўйди. «Қизиқ, тушимда ҳам шиша идиш, ўнгимда ҳам шиша идиш» — ўзўзига гапирди Маъмурмалим «Нима дедингиз, тушунмадим?» — сўради хотини. Маъмурмалим батафсил тушунтирди: — «Туш кўрибман дегин. Тушимда оқиб турган тиниқ сувли дарёдан шиша идишда сув олиб ичганмишман». Хотиннинг чеҳраси ёришди: «Яхши туш кўрибсиз, дадаси. Тиниқ сув ичибсиз, яна бунинг устига шиша идишда. Ана шу «Биржа хола» дан олаётган шиша вазаларимиз тушингизга кирганда, дадажониси. Кўп эшиттанман, тушга тиниқ сув кириши яхши бўлармиш.

Маъмурмалим хотинига кимизда сув ичибсиз-а! Нима бўлса ҳам тушингиз ўнгидан келсин, илойим. Маъмурмалим ҳам «Оятал курси»ни бир эмас, роппа-роса уч маротаба ўқиб, ўзига қайта-қайта дам урди. Эр-хотин баробарига юзларига фотиҳа тортишиб, «Таъбирнома»ни варақлай бошлашди. «Ана, шиша идиш деб ёзилганку!» — бақириб юборди хотини. Эр-хотин бараварига туш таъбирини ўқишга киришди. «Таъбирнома» да шиша идиш таъбири шундай ёзилганди: «Ҳазрат Дониёд алайҳиссалом тоблар жавонидан Биноийнинг «Таъбирнома»сини олиб чиқишни буюрди. Хотини «Таъбирнома» ни эрининг қулига тутқаза туриб эслатди: Дадажониси, мулла амакимдан кўп эшиттанман, аввал «Оятал курси» ни ўқиб, ўзингизга дам уринг. Яхши туш кўрибсиз. Қаранг, тушингизда «Биржа хола» дан оладиган шиша вазаайтибдурларким, эркак киши тушида шиша кўрса ёки шиша идишда сув ичса, хотин олгай, молдор хотин олгай...»

Маъмурмалим ростакамига шошиб қолди. У бутун вужуди билан берилиб, туш таъбирини қайта-қайта ўқиди. Маъмурмалим «Таъбирнома»дан бошини кўтармасдан, хиёл жилмайганча, худди молдор хотинга ўйланиб олган бойваччасимон ёнидаги хотинига буюрди: «Бор, «Биржа хола»нгнинг уйида ўша вазадан нечта дона қолган бўлса, ҳаммасини олиб кел!

Қараса, ёнида хотини йўқ. У шошилмасдан «бойбачча юриш» қилиб ҳовлига чиқди: «Ё раб! Буларни ким синдирди!...» Ҳовли сатҳида сон-саноқсиз шиша идишлар ер билан битта бўлиб, синиб ётарди.

— Онанг қани? Шиша синиқларини йиғиштириб юрган қизига бақирди Маъмурмалим.

— Билмадим, «нологовой»га кетди - деди қизи дадасига. —«Биржа хола»ни ёзиб берармиш. У киши қонуний ҳужжатлари бўлмаса-да, уйларида шиша вазаларни сотаётган эмиш.

Хулоса шулким, тушингизда мабодо шиша идишда сув ичсангиз, бу ҳақда зинҳор базинҳор хотинингизга «миқ» этмай кўрманг.

Абду Вали ОБИДДИН.

«Маърифат» газетаси жамоаси газета ходими Сурайё Шайховага отаси
Нуриддин ҲАСАНОВ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлими, туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси 216-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Гулнора Адамбековага падари бузруквори
Адамбек ота ҲАЙДАРОВ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6